

ОАВ ТИЛИ

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ



Шербек ЎЛМАСОВ

катта илмий ходим-изланувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

ulmasovsh@mail.ru

Хулкар ЎЛМАСОВА

ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аннотация

Мақолада оммавий ахборот воситалари тилининг психоллингвистик хусусиятлари ўрганилган. Оммавий ахборот воситалари тилининг шаклланиши ва таъсири ижтимоий ходисалар билан узвий боғлиқдир.

Аннотация

В статье рассматриваются психоллингвистические особенности языка средств массовой информации. Формирование и воздействие языка средств массовой информации связано с общественными явлениями.

Abstract

The article deals with psycholinguistic features of the media language. Formation and influence of media language is related with social phenomenon.

Калит сўзлар: тил, ходиса, таъсир, ОАВ тили, психоллингвистика, ахборот, хусусият, лисоний, сўз кучи.

Ключевые слова: язык, явление, воздействие, язык СМИ, психоллингвистика, информация, особенность, сила слова

Keywords: language, phenomenon, effect, media language, psycholinguistics, information, feature, the power of words.

Глобаллашув жараёнини бошидан кечираётган ҳозирги жамиятнинг бирор бир соҳасини ОАВ тилисиз тасаввур этиш қийин. ОАВда техник имкониятларнинг кенглиги ижтимоий соҳалар етказиб бераётган ахборотларни бир вақтнинг ўзида фақат лисоний эмас, балки нолисоний

усулларда ҳам ифодалашга ёрдам беради. Шу туфайли уни илм-фан, публицистика ва маданият тили деб ҳам таърифлашади.

ОАВда тил воситаларини танлаш, мослаштириш ва ишлатишни ўрганишда ҳар бир оммавий коммуникациянинг характерли прагматик таъсири имконидан келиб чиққан ҳолда, уни аниқлаш ва такомиллаштириш талаб этилади.

Бир қанча тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, оммавий коммуникация системаси тилдан мунтазам фойдаланиш бўйича ҳам фаол ўринлардан бирини эгаллайди (5).

ОАВ лисоний таъсир этишнинг фаол канали сифатида муайян ахборий услубларнинг қўлланиши ва тарқалишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

“Ахборот услуги” тушунчаси оммавий коммуникация билан бевосита боғлиқ ва бу ўқувчи, тингловчи, томошабин билан олиб бориладиган мулоқотдаги ўзига хос оҳангни ифодалашга хизмат қилади. Бундай хусусиятга ҳар бир ОАВ – газета, журнал, радиоэшиттириш ва теледастур эга. ОАВнинг ҳар қандай субъекти ўз аудиторияси билан ўзига хос оҳангда суҳбатлашади. Бунда у ҳар қандай мулоқот(шу жумладан, матн орқали мулоқот) учун зарур бўлган иборавий медиастилистик ва риторик воситалардан фойдаланади.

Массмедиалар томонидан тилнинг ички миқёсдаги таъсирини ўрганиш ОАВнинг бир лисоний-маданий доирада тилнинг қўлланишига таъсирини тадқиқ этишга асосланган (3).

Массмедиалар бошлаб берган тил жараёнлари ҳақида сўз кетганда, энг аввало, қуйидаги хусусиятларга:

- 1) аниқ услубий чегараларнинг барҳам топиш тенденцияси мавжудлиги;
- 2) медианутқнинг янгиликлар, ахборий таҳлил, шарҳ каби асосий матнларида сўзлашув услуги меъёрларининг кенг қўлланиши;
- 3) нотўғри нутқ кўринишларининг (нотўғри урғу, грамматик хатолар, нотўғри бирикишлар ва ҳ.к.)оммалашуви;
- 4) ОАВда номеъерий ва қуйи қатламдаги лексик бирликларни ишлатиш ҳисобига нутқий меъерийлик савиясининг пасайиши кабиларга эътиборни қаратиш ўринлидир (6,42).

Ахборот узатишда сўз тил системаси қоидаларига нисбатан қайсидир маънода эркинликка эга бўлади.

Ҳар қандай нутқий акт, аввало, бизнинг хулқимиз ва бизнинг дунё ҳақидаги тасаввурларимиз замиридаги кадриятлар тизимида ўзгариш ясашга қаратилади. Бу оммавий коммуникациядаги дискурсив амалиётни қўллаш технологияларининг ўзига хосликлари билан белгиланади. Медиаматнларни ўзига хос яратиш ва тарқатиш техникаси, масалан, тез ўтказиб юборилаётган

матнни ўқиш, бирламчи оғзаки матнни (масалан, интервьюни) таржима қилиш ва уни ёзма шаклга келтириш, спонтан ва олдиндан тайёрланган нутқнинг кўшилиб кетиши, сўзлашув ва китобий-ёзма услубларнинг қоришувини ўз ичига олади. Булар барча тилдаги лисоний-маданий доирага хос.

ОАВ тавсифида тил алоҳида белгилар системаси ва улар нутқий коммуникация кўринишидаги одамлараро мулоқот асоси сифатида қайд этилади.

“Айни пайтда оммавий мулоқот воситаларининг ҳар бир тури ўзига хос лисоний-услубий хусусиятларга ҳам эга, матбуот тили, газета нутқи, радио нутқи, теленутқ тушунчалари мана шу ички услубий фаркланишни билдиради ва оммавий ижтимоий мулоқот услубининг ички кўринишлари ҳисобланади. Буларнинг ўзига хослиги, бир-биридан фарқи оммавий мулоқот воситаларига хос нолисоний омиллар асосида юзага келади” (7, 60).

ОАВнинг охириги таърифларида ушбу системанинг миллий тилларга бўлиниши эътироф этилади. Албатта, ОАВ тилининг умумий концепциясини ривожлантиришда биринчи ва иккинчи таърифлар муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, ОАВ тили қатор лингвостилистик сифат ва хусусиятлардан таркиб топган барқарор ички лисоний система сифатида ҳамда вербал ва аудиовизуал компонентлар мутаносиблигидан иборат аралаш типдаги ўзига хос белгилар тизими сифатида тушунилади.

“ОАВ тили” тушунчаси замонавий мазмуни, ички таркиби худди ана шундай таъриф ва тавсифлар доирасида шаклланди. ОАВ тили таълимотининг назарий асосини тилнинг оммавий коммуникация соҳасида кўлланишига доир доимий масалаларни системали ўрганиш ташкил этади. Булар жумласига оммавий коммуникация нутқининг оғзаки ва ёзма шакллари мутаносиблигига, ахборотнинг оммавийлиги тил меъёрларига таъсири, функционал стилистика нуқтаи назаридан олиб қараганда, оммавий ахборот тили мазмуни нимадан иборатлиги, медиаматнларнинг таснифи мезонлари, ОАВ (газета, журнал, радио, телеузатишлар, интернет, реклама...) тилининг хусусиятлари кабилар киради (6, 48).

“Журналистнинг ахборотни қайта ишлаш, уни талқин этиш ҳамда оғзаки ёки ёзма нутқ шаклида ифодалаш маъсулияти ва маҳорати умуммиллий маданиятнинг ҳам, умуминсоний ахборот маданиятининг ҳам тарихий қисмидир” (8, 4).

“Ривожланган тил соҳиби бўлган инсоннинг улкан ютуғи шундаки, унинг наздида дунё худди икки баробар катталашгандек бўлади. Предметларни билдирадиган тил ёрдамида у ўзининг шахсий тажрибасига кирмайдиган ва бевосита қабул қилинмайдиган предметлардан фойдалана

олади. Инсон иккитомонлама дунёга эга бўладики, бунга ҳам бевосита акс эттирилувчи предметлар дунёси, сўз билан белгиланадиган, ифодаланадиган образлар, объектлар, муносабатлар ва хусусиятлар дунёси ҳам қиради... Сўз бу – воқеъликни акс эттиришнинг алоҳида шаклидир. Инсон бу образларни улар, амалда бор-йўқлигидан қатъи назар, ўз хоҳишига қараб аташи, номлаши, айтиши, демакки, мана шу иккинчи дунёни бошқариши мумкин”, деб таъкидлайди (2, 318).

ОАВ ўзига хос тилининг мавжудлиги жамият ялпи ахборотлашуви даврининг умумий қонуниятларидан бири ҳисобланади. Аниқ тилларнинг лисоний, ижтимоий ва маданий-тарихий хотирасини ишга солган ҳолда, ушбу тил миллатлараро хусусият касб этувчи оммавий коммуникация матнларини яратишда қўлланилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Леонтьев А.А. Слово в речевой деятельности. – М., 1965. – 246 с.
2. Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. – М., 1984. – 400 с.
3. Добросклонская. Т. Г. Вопросы изучения медиатекстов. Опыт исследования современной английской медиаречи. – М., 2005. – 288 с.
4. Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида). Ф.ф.д.дис. – Тошкент, 2012. – 330 б.
5. Кондратьева-Фишер И. С. Особенности устных выступлений носителей элитарной речевой культуры // Вопросы стилистики. Вып. 25. – Саратов, 1993. – С. 151–160.